

Сийрат дарслари (7-дарс)



13:04 / 14.11.2018 7829

* * *

41. *Асвад ибн Язийд Нахаъий розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

«Оиша розияллоху анҳодан: «Набий соллаллоху алайҳи васаллам уйларида нима қилар эдилар?» деб сўрадим. «Аҳлларининг меҳнатида – яъни аҳлларининг хизматида – бўлар эдилар. Намоз вақти кирганида эса, намозга чиқар эдилар», деди».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

42. *Ибн Умар розияллоху анхумодан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон салла ўрасалар, учини икки кураклари орасига тушириб олар эдилар».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

* * *

43. *Абу Бурда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Оиша розияллоҳу анҳо олдимизга қалин изорни ва мулаббадани олиб чиқди ва: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мана шу икки кийим ичида қабзи руҳ қилинганлар», деди».

Муслим ривоят қилган.

Изор – тананинг киндикдан пастига тутиб олинадиган, тикилмаган эн кийим.

Мулаббада – турли қийқим-парчаларни улаб қилинган кийим.

* * *

44. *Муғийра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Румдан келтирилган, енглари тор чопонни кийдилар».

Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

* * *

45. *Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Кисро, Қайсар ва Нажошийга мактуб ёзмоқчи бўлдилар. Шунда у зотга: «Улар хатми (муҳри) бор мактубнигина қабул қилишади», дейилди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳалқаси кумушдан бўлган хотим (узук) қилдирдилар. Кўзига «Муҳаммадун Расулulloҳ»ни нақш қилдилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

* * *

46. *Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг узуклари нақши уч сатр: «Муҳаммадун» – бир сатр, «Расулу» – бир сатр ва «Аллоҳи» – бир сатр эди».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

* * *

47. Осим Аҳвалдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг косаларини Анас ибн Молик розияллоҳу анҳуда кўрдим. Ёрилганида уни кумуш билан қадаб олган эди. У низор ёғочидан қилинган катта, чиройли коса эди. Унинг темир ҳалқаси бор эди. Анас унинг ўрнига тилла ёки кумушдан ҳалқа қилишни ирода қилди. Шунда Абу Толҳа унга «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган нарсани ҳеч ўзгартирма», деди. Шунда у тарк қилди».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

48. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўшаклари ичига лийф солинган теридан эди».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Лийф – хурмо пўстлоғининг ички тарафидаги майин толалар.

* * *

49. Абу Қатода розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафарда кечаси ётсалар, ўнг биқинларига ёнбошлар эдилар. Агар тонгга яқин ётсалар, чиғаноқларини тираб, бошларини кафтларига қўяр эдилар».

Муслим ривоят қилган.

* * *

50. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хушбўй нарсани қайтармас эдилар».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

51. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кавушларининг олд томонида иккита илғичи бор эди».

Бухорий ривоят қилган.

* * *

52. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиличларининг сопи кумушдан эди».

Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

«Оламларга раҳмат пайғамбар» китобидан